

БОЛАЛАРГА ЭРТАКЛАР АЙТИНГ

Д.Юлдашева, ФарДУ доценти

Дунёда бир қарич ер қолса, Ватан яшайди. Унда биргина фарзанд бўлса халқ яшайди. Менинг бири давлат, бири меҳнат бўлган қора кўзларим. Шуурида мен билиб-билмаган, англаб-англамаган аجدодларимнинг муҳри бор икки қанотим. Дунёни сизнинг кўзингиз билан кўролсам, оламга меҳрла боқолсам, мўъжиза тополсам дейман.

- Йиғламанг, аяжон, хунук бўлиб кетасиз, - дея овутишингда, - мен сизни иккала кўзим билан яхши кўраман-да, ўзимни аяжоним, - дейишингда болаларча беғубор фалсафани туяман.

Африка мамлакатларида оналар эмизикли болаларини орқасига боғлаб юришади. Гўдаклар митти, абжир маймунчалардай оёқ-қўлларини ишга солиб, оналарига маҳкам тирмашиб оладилар. Онанинг ҳароратидан, ўтли, меҳрли нафасидан керагича озиқланиб, ерда юрган тенгдошларидан илгарироқ катта бўладилар. Уч-тўрт энагаси бўлган гўдакдан аввалроқ атак-чечак қилади, оғиз тишлари ёради. Бу ҳолат она-нинг янги ҳомиласи пайдо бўлгунча давом этади. Укаси дунёга келгач, «тахт»дан ерга тушган 1,5-2 яшар болаларда гўёки ҳақиқий фожиа рўй беради. Онанинг тафтига ўрганган фарзандда руҳий муҳитга қизиқиш сўнади, аммо кўп ўтмай барчаси унутилиб кетади.

Онанинг меҳрига, тафтига қонган фарзандларнинг зуваласи пишиқ, бақувват, касалликка бўйин эгмайдиган, аксарият метин иродали ҳисобланади. Меҳрнинг кучи бунча ўткир бўлмаса, болажоним! Сени яшнаб, қувнатадиган шу туйғу булоғими, болажон!

Тўғри, тошдан қаттиқ тирикчилик ташвишлари болаларга эътиборни сусайтириб юборди. Фарзандларнинг усти-бошини, қорнини ҳаддан ташқари кўпроқ ўйлайдиган бўлдик. Ота-оналарча меҳрибонлик туфайли фарзандим ҳеч кимдан кам бўлмасин дея энг замонавий урфда кийинтиришга ҳаракат қиламиз. Лекин баъзан адабиёт дарсида қайси адибни ўргандиларинг, жуғрофиядан нималарни ўқиясан, дея сўрашни унутиб кўямиз. Ўзлаштиришда қийналаётган фанини таътил кунларида мустаҳкамлаш ўрнига, бозор-ўчарда бизга қарашиб юрса, 3-4 сўм топса, бошимиз осмонга этади. Натижада чиройли кийинганлар билангина мулоқотга киришади.

Болалар дунёсидаги тенгсизлик, кимнидир мактабдан бездирса, яна кимни ота-онасига қарши қилиб қўяди. Аслида-ку, уззу кун чақалоқни бешиқда, қоронғи хонада қолдириб ёш она оила аъзоларининг битиб-тугамайдиган хизматларига камарбаста бўлавериш, фарзандига керакли эътиборни, меҳрни тўкиб сололмайди. Гўдакликда шакллана борган маҳнавий бўшлиқ эса кейинчалик ота билан ўғилнинг, она ва қизнинг муносабатига салбий таъсир кўрсатади, бир-бирини тушунмасликка олиб келади. У энди эътиборни четдан - кўчадан излайди.

Ҳозир болаларга эртакларни кам айтамыз. Кечалари янги чиққан китобларни болаларга ҳар доим ҳам ўқиб беролмаймиз. Афсоналардан, ҳикматлардан, Алпомишдан сўзлаб, юракларида гулхан ёқмаймиз, тирикчиликни сабаб қилиб кўрсатамиз.

Айтишларига қараганда, уч савдогар савдо - сотиқ қилиб, бири кунига 100 танга, иккинчиси 50 танга, учинчиси 30 танга топар экан. Икки савдогарнинг топганлари рўзғорга урвоқ ҳам бўлмас экан. Нима қилишларини билмай, бошлари қотиб, учинчи биродарларининг уйига борибдилар. Кўришса, унинг рўзғори гуллаб-яшнаган, болаларининг ахлоқ-одоби жойида. Шунда бунинг боиси не деб сўрашса, мен буларга қаноатни ўргатганман, дебди.

Тўғри, ҳамманинг турмуши ўзига аён. Лекин мен фарзандлар бозордаги бемаъни матоҳнинг нархидан баҳслашиш ўрнига жаҳон харитасидан турли давлатларни излашлари, саргузашт асарларни бир нафасда ўқишга кўникма ҳосил қилишлари зарур деб ўйлайман. Ахир фарзандларимиз биздан ҳам бахтлироқ яшаши ҳар нарсадан муҳим-ку!